

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил октябрь ойининг 30 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг очик суд мажлиси, ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи Ш.Ахмедов, судья ёрдамчиси И.Рахимовнинг котиблигида, тарафлардан Қўқон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Д.Мирзаев, химоячи адвокат Д.Султанованинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан Ёқубов Алижон Толибжон ўғлига нисбатан 1-1503-2401/868-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Ёқубов Алижон Толибжон ўғли, 1999 йил 21 октябрь куни Қўқон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, ёлланма ишчи, Қўқон шаҳар, “Нурафшон” МФЙ, Данғара кўчаси, 9^А-уйда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини 2024 йил 3 октябрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни текшириб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни муҳокама қилиб, тарафларни музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

А.Ёқубов 2024 йил май ойларида Қўқон шаҳар, “Ором” чойхонаси яқинидаги дала ер майдони четида ёввойи ҳолатда ўсиб турган наша гиёҳвандлик ўсимлиги баргларида териб олиб, эзиб, келгусида қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадини кўзламай тайёрлаб, кўп миқдордаги 2,24 грамм “гашиш” гиёҳвандлик моддасини ўзининг истеъмоли учун сақлаб келган.

2024 йил 19 август куни Қўқон шаҳар ИИБ ТҚК ЖКБ ходимлари томонидан Қўқон шаҳар худудида “Қорадори-2024” профиактик тадбирнинг 2-босқичи давомида Қўқон шаҳар, Данғара кўчасида кетаётган Ёқубов Алижон Толибжон ўғли гиёҳвандлик воситаси сақлашда гумон қилиниб, холислар иштирокида ёни кўздан кечирилганда, эғнидаги шимининг ён чўнтагида икки бўлакдаги ўткир хидли, қўнғир рангли, “гашиш” гиёҳвандлик воситасига ўхшаш моддани қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, текшириб кўришлик учун холислар иштирокида тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштириб олинган.



Фарғона вилояти ИИБ Иккинчи минтақавий ҳудуд ЭКБнинг 2024 йил 20 августдаги 495-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосасида, А.Ёқубовдан олинган икки бўлакдаги қўнғир рангли, ўткир хидли, ушлаганда қўлга шираси ёпишадиган қуритилмаган, юмшоқ ҳолдаги гашиш гиёҳвандлик воситасига ўхшаш восита таркибида гиёҳванд тетрогидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, ушбу восита “гашиш” деб аталадиган гиёҳванд восита туркумига киришлиги, гашишнинг соф оғирлиги 2.24 граммни ташкил қилишлиги, шундан 0,14 grammi тадқиқотда сарфланганлиги кўрсатилган.

Фарғона вилояти 2-сонли суд наркологик экспертизасининг 2024 йил 22 августдаги 449-сонли далолатномасида, А.Ёқубов каннабиноидларга тобелик (Гашишемания) 1-босқичи касаллиги билан касаллангани, шунинг учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўллаб тиббий йўсиндаги мажбурий даволаниш чорасига муҳтожлиги кўрсатилган.

Судланувчи А.Ёқубов судда, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2024 йил 19 август куни соат 15.00 ларда ўз ишлари билан Қўқон шаҳар Данғара кўчасида кетаётган вақтида ёнига бир нечта фуқаролик кийимидаги шахслар келиб, ўзларини ИИБ ходимлари деб таништириб, ИИБ ходимлари Республика миқёсида “Қорадори 2024” кенг қамровли профилактик тадбирининг 2-босқичи ўтказилаётганлигини айтишиб, уни ёнини икки нафар холислар иштирокида кўздан кечиришган вақтда, эғнида бўлган шимининг ўнг ён чўнтагидаги икки дона қўнғир рангли, ўткир хидли, “гашиш” гиёҳвандлик моддасига ўхшаш нарса мавжуд эканлигини аниқлаб, далилий ашё тариқасида олишгани, баённома расмийлаштиришгани, ушбу гиёҳванд моддани тахминан 5 ойдан буён истеъмол қилиб келиши, ушбу моддани 2024 йил май ойининг бошларида Қўқон шаҳридаги Ором чойхонаси яқинидаги ташландиқ ер майдонидан даланинг четида ўсиб ётган ёввойи наша баргларида териб олиб, баргларини эзгилаб ёпишқоқ шаклга келтириб, ўзини истеъмоли учун тайёрлаб истеъмол қилиш учун чўнтагида олиб юргани, нашани ҳеч кимга бермагани ва сотмагани, ўзини чекиши учун сақлаб келгани ҳақида кўрсатув бериб, қилмишидан пушаймонлиги, қарамоғида оиласи ва 2 нафар фарзандлари борлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи А.Ёқубов айбига тўлиқ иқрор бўлиб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби қуйидагилар билан ҳам исботланган, жумладан:

гувоҳ С.Назаровнинг суддаги, Қўқон шаҳар ИИБ ТҚХ ЖКБ катта тезкор вакили бўлиб ишлаши, Қўқон шаҳар ҳудудида “Қорадори-2024” профиактик тадбирининг 2-босқичи давомида Қўқон шаҳар, Данғара кўчасида кетаётган кейинчалик таниган Ёқубов Алижон Толибжон ўғлига ўзларини таништириб, уни ёнини кўздан кечиришлари лозимлигини айтиб, ёнида гиёҳвандлик моддалари ва жинойатга алоқадор нарса-буюмлар бўлса, ўз ихтиёри билан топширишни таклиф қилишганида, у ўз ихтиёри билан эғнида бўлган шимининг ўнг ён чўнтагидаги икки дона қўнғир рангли, ўткир хидли, “гашиш” гиёҳвандлик моддасига ўхшаш нарсани такдим қилгани, икки нафар холислар иштирокида далилий ашё тариқасида олиниб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгани, А.Ёқубов ушбу гиёҳвандлик воситасини ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаётганлигини билдиргани ҳақидаги;



шунингдек, жиноят ишидаги А.Ёқубовни ёнини кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиш тўғрисидаги, далилий ашёни тортиб олиш ҳақидаги баённомалари, топшириш-қабул қилиш далолатномаси, квитанцияси, экспертиза хулосаси ҳамда иш материалларида тўпланган ва судда текширилган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан А.Ёқубовнинг кўп миқдордаги соф оғирлиги 2,24 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай сақлаб келишдан иборат қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Ёқубовга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандидаги, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англамаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги;

3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига амал қилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, судланмагани, қарамоғида 2 нафар фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, шунингдек, унинг шахсини, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар хусусиятига кўра аҳоли соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солиши, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши, бошқа ижтимоий муаммолар келтириб чиқариши жиҳатидан ижтимоий хавфлилик даражаси юқори ҳисобланишини инobatга олиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

шунингдек, ҳукм қонуний кучга киргач, унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

Фарғона вилояти ИИБ депозит ҳисоб рақамига ўзи томонидан тўланган 10.000.000 сўм гаров пулини унинг ўзига қайтаришни;

ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилояти бошқармасининг хўжалик бўлимида 3340-сонли квитанция асосида



сақланаётган, экспертизада сарфланганидан қолган 2,1 грамм “ташиш” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ёқубов Алижон Толибжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Ёқубовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ҳукми ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Кўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

А.Ёқубовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликдан мажбурий тартибда даволаш чоралари қўлланилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, А.Ёқубовга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Фарғона вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига тўланган 10.000.000 сўм гаров пули унинг ўзига қайтарилсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилояти бошқармасининг хўжалик бўлимида 3340-сонли квитанция асосида сақланаётган, экспертизада ишлатилганидан қолган 2,1 грамм “ташиш” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида шаҳар суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

Ш.Ахмедов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

Жиноят ишлари бўйича

Кўқон шаҳар судининг раиси

Ш.Ахмедов

